

“Инклюзив уфқлар: ҳамма учун таълим ва тадбиркорлик”

«Inclusive Horizons: Learning and Entrepreneurship for All»

www.eged-ca.org
www.sabr.uz



Ушбу лойиҳа Буюк Британия ҳукуматининг Халқаро тараққиёт маблағи ҳисобидан молиялаштирилган. Бу лойиҳада билдирилган фикрлар Буюк Британия ҳукуматининг расмий сиёсатини акс эттирмайди.

“Ҳар бир инсон, ўзига хос хусусиятларидан қатъий назар, жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун ёрдам олиш, шу жумладан таълим, меҳнат ва ҳаётни мазмунли қиладиган бошқа жиҳатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.”

Мавлюдахон Ширинова, “Сабр”

Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази директори



This project has been funded by UK International Development from the UK government; however, the views expressed do not necessarily reflect the UK government's official policies.

«Every individual, regardless of their unique characteristics, has the right to fully participate in public life, receive support to realize their potential, and benefit from education, employment, and other aspects that make life meaningful».

Mavlyudakhon Shirinova,

Director of «SABR» National Centre for Socio-Economic Development



«САБР» РЕСПУБЛИКА ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗИ

“САБР” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази ўз фаолиятини 1996 йил ноябрь ойида Ишонч Маркази сифатида бошлаган. Асосий мақсади кризис вазиятга тушган аёллар ва болаларга ёрдам бериш. Фаолият доираси кенгайиши муносабати билан 2005 йил март ойида марказ “САБР” ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази сифатида қайта рўйхатдан ўтказилди. 2016 йил август ойида ташкилот “САБР” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази сифатида қайта рўйхатдан ўтказилди. 2001 йилда ННТлар орасида биринчилардан бўлиб «САБР» ННТси Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойлардаги кам таъминланган, иқтисодий фаол аҳоли учун Микроқарз синов дастурини амалга оширгани боис, 2006 йилда ташкилот «САБР» ижтимоий иқтисодий ривожланиш маркази сифатида қайта рўйхатга олинди.

Ташкилотнинг асосий мақсади – демократик қадриятлар асосида аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги кам таъминланган хотин-қизлар ва ёшларга ижтимоий-иқтисодий инновациялар (рақамли ва ахборот технологиялари, яшил экология ва яшил иқтисодиёт, катталар таълими ва бошқалар) асосида ёрдам кўрсатишдан иборат.

«САБР» Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш марказининг фаолияти:

- «САБР» ННТ ўзи, қишлоқ жойлардаги ёрдамга мухтож аҳоли қатламларини (аёллар ва болаларни) қўллаб-қувватловчи маслаҳат ва тренингларни тақдим этиш
- Микромолиялаш дастури: МЧЖ «САБР микромолия ташкилоти» кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва микроқарзлар бериш
- Маҳаллий Ривожланиш Марказлари (МРМ) ва Қишлоқ ахборот-ресурс Марказлари (ҚАРМ)
- Ижтимоий йўналтирилган ННТлар билан ҳамкорлик дастури.

«SABR» NATIONAL CENTRE FOR SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT

“SABR” National Centre for socio-economic Development was founded and established as the first Trust Center for women and children in crisis in November 1996. In connection with the expansion of the scope of activities in March 2005, the center was re-registered as the Center for Socio-Economic Development “SABR”. In August 2016, the organization was re-registered as the National Center for Socio-Economic Development “SABR”.

In 2001, «SABR» was one of the first NGOs to implement a pilot microcredit programme for economically active low-income populations in rural areas of Samarkand Region. Consequently, in 2006, the organisation was re-registered as «SABR» NCSED.

The main objective of the organisation is to assist the population — particularly low-income women and youth in rural areas — through socio-economic innovations grounded in democratic values, including digital and information technologies, green ecology and economy, adult education, and others.

Activities of «SABR» National Centre for Socio-Economic Development:

- The NGO «SABR» offers counselling and training sessions to support vulnerable population groups (particularly women and children) in rural areas.
- Microfinance Programme: The “SABR Microfinance organization” LLC provides support and microloans to low-income families.
- Local Development Centres (LDCs) and Rural Information Resource Centres (RIRCs).
- Collaboration programmes with socially oriented NGOs.

“ИНКЛЮЗИВ УФҚЛАР: ҲАММА УЧУН ТАЪЛИМ ВА ТАДБИРКОРЛИК” ЛОЙИҲАСИ

ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ МАҚСАДИ:

Ногиронлиги бўлган, кам таъминланган хотин-қизлар ва ёшларни касбий маҳорат, тадбиркорлик билим ва кўникмаларини ошириш, молиявий манбалардан фойдаланиш орқали уларнинг фаровонлигини ошириш.

МАҚСАДЛИ ҲУДУДЛАР:

Ўзбекистон Республикасининг 5та ҳудудларда амалга оширилади:

- Навоий вилояти
- Наманган вилояти
- Самарқанд вилоятининг
 - Каттақўрғон шаҳар
 - Оқдарё тумани
 - Ургут тумани



МАҚСАДЛИ ГУРУҲЛАР:

Ногиронлиги бўлган, кам таъминланган хотин-қизлар ва ёшлар

ЛОЙИҲА НАТИЖАЛАРИ:

- 488 нафар (458 аёл, 30 эркак) кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар ва имконияти чекланган ёшлар қисқа муддатли касбий курсларда таълим олиб сертификатларга эга бўлишди, шулардан
- Ногиронлиги бўлган шахслар -227 нафар,
- Ногиронлиги бўлган шахслар оила аъзолари-183 нафар,
- Кам таъминланган-78 нафар,
- Тадбиркорлик асослари, маркетинг, ҳуқуқий ва молиявий саводхонлик, кредитларни бошқариш бўйича 28-соатлик тренинглار ўтказилди ва битирувчиларига тақдим этилган старт аплар сони-98 нафар.
- 446 нафар иштирокчиларга: Ҳуқуқшунос – 226 нафар ва психолог -220 нафарига юзма-юз маслаҳатлар тақдим этилди.

ЛОЙИҲА ҲАМКОРЛАРИ

- Ўзбекистон Республикаси Қамбағалликни қисқартириш ва бандлик вилоят бошқармалари ҳамда ҳудудий Шаҳар ва туман бўлимлари
- Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва ҳудудий “ИНСОН” ижтимоий хизматлар марказлари
- Навои вилояти “ИМКОНИЯТ” ННТ
- Наманган вилояти “Аёллар тадбиркорлик маркази” ННТ
- “САБР” Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази

PROJECT: «INCLUSIVE HORIZONS: LEARNING AND ENTREPRENEURSHIP FOR ALL»


GENERAL OBJECTIVE OF THE PROJECT:

To improve the well-being of low-income women and youth with disabilities by enhancing their vocational skills and entrepreneurial knowledge, as well as improving access to financial resources.

TARGET REGIONS:

The project is being implemented in five regions of the Republic of Uzbekistan:

- Navoi Region
- Namangan Region
- Samarkand Region (specifically):
 - Kattakurgan City
 - Okdaryo District
 - Urgut District



TARGET GROUP:

Low-income women and youth with disabilities

PROJECT RESULTS:

A total of 488 individuals (458 women and 30 men) from low-income families, including women and youth with disabilities, received certificates upon completing short-term vocational courses. Among them:

- Persons with disabilities: 227
- Family members of persons with disabilities: 183
- Low-income individuals: 78
- 28-hour training sessions were held on the fundamentals of entrepreneurship, marketing, legal and financial literacy, and credit management.
- A total of 98 start-ups were awarded to graduates of the first cycle.
- A total of 446 consultations were provided in person and via the helpline by legal-226 and psychological specialists-220.

PROJECT PARTNERS:

- Regional departments and district/city branches of the Ministry of Employment and Poverty Reduction of the Republic of Uzbekistan
- National Agency for Social Protection of the Republic of Uzbekistan and regional «**INSON**» Social Service Centres
- «**IMKONIYAT**» NGO of Navoi Region
- «**Women's Entrepreneurship Centre**» NGO of Namangan Region
- «**SABR**» National Centre for Socio-Economic Development

ҲОТИН-ҚИЗЛАР ВА ИМКОНΙΑТИ ЧЕКЛАНГАН ЁШЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲИКОЯЛАРИ

SUCCESS STORIES OF WOMEN AND YOUTH WITH DISABILITIES

Журакулова Динора Лукмон қизи (Навои вилояти) Мен оилада катта фарзандман, дадам 2-гурух ногирони. Дадам ногиронлиги сабабли, даромадимиз рузғордан ошмасди, пишириқчилик билан шуғулланиш менинг катта орзум эди. Яқинда "Инклюзив уфқлар: ҳамма учун таълим ва тадбиркорлик" лойиҳа доирасида ўқув курсларни тугатиб, сертификатли бўлдим ва пишириқчилик сирларни ўргандим. "Сабр" маркази томонидан ташкиллаштирган ўқув курслар ва бизнес тренингларда фаол қатнашиб, ўзимни бизнес ғоямни тақдим этиб, грант ғолиби бўлдим. Олган билимларим ёрдамида телеграммдаги «Маззали пишириқлар» каналимда ўз группамни очиб, кўплаб буюртмалар олаёпман. Ўртача даромадим 1 500 000-2 000 000 сўмгача ва оилам учун фойдам борлигидан фахрланаман. Биз ёш оилаларга шундай шароитлар, бепул ўқув курслар, бизнес тренингларни ташкиллаштирган раҳбарларга катта раҳмат. Келажакда пиширик цехи очиш ва бўш иш ўринлар яратишни мақсад қилиб қўйган ман!



Jurakulova Dinora Lukmon kizi (Navoi Region): I am the eldest child in the family. My father is a person with a group II disability. Due to my father's disability, our family income was barely enough to cover household needs. It was my lifelong dream to pursue baking. Recently, I completed vocational courses within a project organised by «INCLUSIVE HORIZONS: LEARNING AND ENTREPRENEURSHIP FOR ALL», received a certificate, and learned the secrets of baking. I actively participated in the training and business courses held within the project and became a grant winner by presenting my business idea. With the knowledge I acquired, I launched my own Telegram group called

«Delicious Pastries» and have started receiving numerous orders. My average monthly income is between 1,500,000 and 2,000,000 UZS, and I am proud to be contributing to my family. I sincerely thank the organisers for offering free training courses and business sessions for young families like mine. In future, I aim to open a pastry workshop and create new job opportunities.

Исломова Нилуфар Нозимжон қизи (Навои вилояти) бизнинг оиламиз жуда катта, 2 болам, қайнонам, қайнотам билан яшаймиз. Турмуш ўртоғим ишсиз, мардикорлик қилади. Мен ўзим мия саратони касаллигига чалинганман, шунга қарамай, доим ҳаракатдаман. Тикувчилик касбини эгаллаб, уйимдан ателье очиш ниятим бор эди ва шу орзуларим ушалди. Ўқув марказда таълим олиб,

тикувчилик йўналиши бўйича касбга эга бўлиб, грант ғолиби бўлдим. Кўплаб буюртмачиларимни хурсандчиликларини кўриб, менда янада яшашга, оилам билан бахтли ҳаёт кечиришга хоҳишим менга куч бериб келмоқда! Жуда кўп буюртмаларни тикишга олганман ва ишларим буюртмачиларга ёқиши мен учун бу катта ютуқ. Уйимда иккита шогирд олиб, уларга тикиш сирларини ўргатиб келаяпман.



Islomova Nilufar Nozimjon kizi (Navoi Region): We have a large family. I live with my two children, mother-in-law, and father-in-law. My husband is unemployed and works as a labourer. I have been diagnosed with brain cancer, yet I remain determined and active. I had long wished to learn tailoring and open an atelier at home, and that dream has now come true. I studied at a training centre, gained skills in tailoring, and became a grant winner. Seeing the joy of my customers has increased my will to live and strengthened my desire to lead a happy life with my family. I currently have many sewing orders, and the fact that my work is appreciated by clients is a great achievement for me. I have taken on two apprentices at home and am teaching them the skills of tailoring.



Мен, **Азимова Малоҳат (Наманган вилояти)**, 2019 йилдан бери жигар циррози билан курашиб келаман. Бу дард менинг ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Аммо, мен таслим бўлмадим. 2021 йилда қизим Солиҳахон дунёга келди. Афсуски, у туғма юрак нуқсони билан туғилди. Бу ҳолат мени жуда ҳам қийнади, доимий стрессда яшадим, оиламиз моддий қийинчиликларга дуч келди. 2024 йил декабрь ойида танишимдан бепул ўқув курслари ҳақида хабар топдим ва тикувчилик йўналишида ўқидим. 2025 йил март ойида ўқишни муваффақиятли тугатиб, грант соҳиби бўлдим. Ҳозирда уйимда ўз иш фаолиятимни йўлга қўйдим. Оиламга даромад келтира бошладим. Ҳозиргача телеграмм гуруҳларда бир



биримиз билан гаплашиб турибмиз. Бунақа лойиҳалар давомли бўлиши, купайиб, бизга ўхшаган инсонларга ёрдам бўлиши учун лойиҳа раҳбарлардан илтимос қилардимки, ёш қизларимизга, йигитларимизга, умуман ёрдамга муҳтож инсонларга беғараз қилаётган ёрдам лойиҳалар кўпайсин, шунақа савобли ишлар ёпилмасин! Менинг ҳаётим – бу умид, сабр-тоқат ва меҳнат ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам беришининг ёрқин мисолидир.

Malohat Azimova (Namangan Region): Since 2019, I have been battling liver cirrhosis. This illness completely changed my life. However, I did not give in. In 2021, my daughter Solihakhon was born. Unfortunately, she was born with a congenital heart defect. This was very difficult for me, and our family faced constant stress and financial hardship. In December 2024, I learned from a friend about free training courses and studied tailoring. In March 2025, I successfully completed the course and became a grant recipient. I have since launched my own small business at home and begun earning income for my family. I remain in contact with other participants via Telegram groups. I respectfully urge the project organisers to ensure that such initiatives continue and expand, to support girls, boys, and all those in need. Let these generous projects never end! My life is a vivid example that hope, patience, and hard work can overcome any obstacle.

Мен, **Мамадалиева Дилдора (Наманган вилояти)**, туғма 2-гурӯх ногирониман. Тўртта вояга етмаган фарзандим бор. Турмуш ўртоғимнинг доимий иши йўқ. Мардикорлик орқали топган пули рўзғордан зўрға ортади. Шундай ташвишлар гирдобиди оиламиз ҳам нотинч бўлиб, ҳар куни етишмовчилик туфайли жанжал чиқаверарди. Маҳалла фаоли тавсиясига кўра "Сабр" ижтимоий-иқтисодий ривожланиш марказининг Маҳаллий ўқув марказидаги бепул касб-ҳунар курсларида "Компьютер саводхонлиги" йўналишини тугатдим. Бу йўналишга аввалдан қизиқишим бор эди, шунинг учун жуда иштиёқ билан ўқидим. Яхши ўзлаштириб, грант соҳиби бўлдим ва ноутбук совға қилишди. Ҳозирда уйим яқинидаги мактаб ўқувчиларига компьютер хизматлари кўрсатаяпман. Лойиҳа доирасида менга ҳаётим ва оиламдаги қийинчиликларни енгиб ўтишда "Сабр"нинг психологлари ва психологик семинарлар катта



ёрдм берди, ўзимга бўлган ишончим ошди, ҳар қандай қўрқувларни енгиш йўллариини семинар машғулотларда ўргандим. Ҳаётимдаги бундай ижобий ўзгаришлар учун "Сабр" маркази ходимларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

Dildora Mamadalieva (Namangan Region): I have a congenital group II disability. I have four underage children. My husband has no permanent job and only earns from occasional labour, which barely covers our household expenses. These challenges left our family in constant distress, and frequent arguments occurred due to financial shortfalls. On the recommendation of a local community representative, I completed a free «Computer Literacy» course. I had long been interested in this field, so I studied with great enthusiasm. I successfully completed the course, became a grant winner, and was gifted a laptop.

I now provide computer services to schoolchildren near my home. The psychological support and training sessions offered by the project helped me overcome difficulties in my life and household. I gained self-confidence and learned how to manage fears through the seminars. I express my sincere gratitude to the staff of the «SABR» Centre for the positive changes they brought to my life.

Мен, **Самихов Жўрабек Амриевич, (Самарқанд вилояти, Ургут тумани)** Тақдирнинг аччиқ синовлари мени 11 ёшимда икки оёғимдан айирди ва юролмай қолдим. 1-гуруҳ ногирони бўлсам ҳам, ҳаётга бўлган ишончим сўнмади. Бир куни Ногиронлар жамияти томонидан Ургут туманида ногиронлиги бўлган инсонлар учун "Инклюзив уфқлар: ҳамма учун таълим ва тадбиркорлик" лойиҳасида касбга ўрганиш курслари ҳамда бизнес тренинглари ўтилиши ҳақидаги хабарни эшитдим. Бу мен учун умид чироғи бўлди. "Сабр" Қишлоқ ахборот ресурс марказига бордим, лекин у иккинчи қаватда жойлашганлиги мен учун тўсиқ бўлди. Устозим менинг шароитимни тушуниб, уйимга компьютер олиб келиб, онлайн ўргатдилар. Бу мен учун жуда катта ёрдам бўлди. "Сабр" марказидан жуда миннатдорман. Грант соҳиби бўлиб, ҳозирда ўз уйимда аҳолига компьютер хизматларини йўлга қўйдим. Менинг ҳикоям - бу орзулар



ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиши мумкинлигининг ёрқин мисолидир. Буюк Британия элчихонасига, "Сабр" маркази ходимларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Улар менга янги ҳаёт бағишладилар!

Jurabek Samikhov Amrievich (Urgut District, Samarkand Region): At the age of 11, I lost both legs due to a severe accident and have been unable to walk since. Despite being a person with a group I disability, I never lost hope. One day, I heard that vocational courses and business training sessions would be held for persons with disabilities in Urgut district as part of the project «Inclusive Horizons: Learning and Entrepreneurship for All». This became a light of hope for me. I went to the «SABR» Rural Information Resource Centre, but as it was located on the second floor, this became a barrier for me. Understanding my situation, my mentor

brought a computer to my home and taught me online. This was a tremendous help. I am very grateful to the «SABR» Centre. I became a grant recipient and now provide computer services to the local community from home. My story is a clear example that dreams can overcome any obstacle.

I express my heartfelt thanks to the British Embassy and the staff of the «SABR» Centre. They have given me a new life!

Мен, **Казакова Наргиза (Самарқанд вилояти, Каттакўрғон шаҳри)**, Болалигимдан ногирон бўлганим сабабли, ногиронлар мактабида ўқиб, шу мактабда бирга ўқиган синфдошимга, Жиззах вилоятига турмушга чиқдим, аммо ҳаётимиз яхши бўлмаганлиги сабабли ажрашдим. Қийноқларга чидолмай, қаттиқ тушкунликка тушиб, онамнинг уйига қайтиб келдим. Жуда кўп жойлардан иш изладим, аммо ногиронлигим сабабли, мени ҳеч қайси ташкилот ишга олмади. "Сабр" ўқув марказида ногиронлар учун бепул касб-ҳунар ўргатишларини эшитиб келдим. Авваламбор рухшунос ва юрист маслаҳатларини олдим ва ўзимга озгина бўлса ҳам ишончим ортди!!! Ҳар бир дарсдан ўзимга куч, билим тўплаб, худо хоҳласа, катта тадбиркор бўлиш мақсад қилиб қўйганман. Пишириқлар цехини очиб, ўзимга ўхшаган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва ўзига баҳо, ишончни кўтариш бўйича, қатнашган тренингларидаги ҳуқуқий ва психологик билимларимни ўргатмоқчиман. Бўлиб ўтган лойиҳа доирасида ҳамма тадбирлар юқори даражада олиб борилди, шунақа лойиҳалар биз ногиронлиги бўлган инсонлар учун катта куч ва далда бўлади! Имкониятларимизни инобатга олиб, бизга шароит яратиб берган, лойиҳа раҳбарларига беҳисоб раҳматлар айтаман!



I, Kazakova Nargiza (from Kattakurgan city, Samarkand region), Since I was a child with a disability, I studied at a school for people with disabilities. I later married a classmate from that school and moved to the Jizzakh region. However, due to the hardships in our life together, we divorced. Unable to endure the suffering, I fell into deep despair and returned to my mother's home. I searched for work in many places, but no organisation was willing to employ me because of my disability. I came across «SABR» Local Development Center, where I heard they were offering free vocational training for people with disabilities. First and foremost,

I received guidance from a psychologist and a legal advisor, which gave me a little confidence in myself! With each lesson, I gathered strength and learning, and, God willing, I have now set a goal to become a successful entrepreneur. I want to open a pastry workshop and help ensure employment for women like myself, boosting their self-worth and confidence. I also wish to share the legal and psychological knowledge I gained in the training sessions with them. All the activities held within the framework of the project were conducted at the highest level. Such projects are a great source of strength and encouragement for people with disabilities like us! I am deeply grateful to the project leaders who, taking our capabilities into account, created opportunities and favorable conditions for us!



Менинг исмим **Ёқубов Исроил Азамат ўғли (Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани)**, 18 ёшимда менда эпилепсия касаллиги аниқланди ва ҳаётим бутунлай ўзгариб кетди. Қаерларга бормаи ишга жойлашишга - ҳамма жойда мени ишга олишмасди. Турмуш ўртоғим ҳам туғма ногирон. Битта фарзандимиз бор. Аллоҳга шукур, фарзандимиз соғлом туғилди. Маҳалла ҳоким ёрдамчиси тавсиясига кўра "Сабр" ижтимоий иқтисодий ривожланиш маҳаллий ўқув марказида Буюк Британия ҳукумати томонидан "Инклюзив уфқлар: ҳамма учун таълим ва тадбиркорлик" лойиҳаси доирасида касб-хунарга бепул ўқув курслари тикувчилик йўналишида таълим олдим ва тадбиркорлик бўйича тренингларда қатнашдим. Март ойида ўқишни муваффақиятли тугатиб, ёзган бизнес режам орқали грант соҳиби бўлдим ва бизнесимни бошлашим учун менга "BAOYU" оверлог такдим этишди. Ҳозирги кунда ўз уйимда ўз бизнесимни бошладим, эркаклар кийимлари, кўғирчоқларга либослар тикиб сотаяпман. Менга ишонч билдирган, қўллаб-қувватлаган барча инсонларга, айниқса, "Сабр" маркази ходимларига чексиз миннатдорчилигимни билдираман.



My name is **Yokubov Isroil Azamat ugli (from Okdaryo District, Samarkand Region)**. At the age of 18, I was diagnosed with epilepsy, and my life changed completely. Wherever I went in search of employment, no one was willing to hire me. My spouse is also a person with a congenital disability. We have one child. Thanks be to Allah: our child was born healthy. Upon the recommendation of Hokim's (governor) assistant in our mahalla (local community), I enrolled in free vocational training courses in sewing at Rural Information Resource Centre, within the framework of the «Inclusive Horizons: Learning and Entrepreneurship for All» project, supported by the Government of the United Kingdom. I successfully completed the course in March and, thanks to the business plan I had written, I was awarded a grant. As part of the grant, I was provided with a «BAOYU» overlock sewing machine to start my business. I have now launched my own business from home, sewing and selling men's clothing and doll outfits. I would like to express my deepest gratitude to all those who believed in me and supported me, especially the staff of «SABR» Centre.

Мен, **Сайдуллаева Барчиной Сайдулла қизи(Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани)**, Афсуски, эпилепсия касаллиги билан туғилганман. 2-гuruh ногирониман. Менинг орзуим – қизлар ва аёлларни чиройли пардоз қилиш, сочларини турли услубларда турмаклаш. Аммо, афсуски, биз каби ногиронлар учун бу соҳада билим ва кўникма олиш учун бепул ўқув курслари йўқ эди. Жамиятда биз каби инсонлар ҳурмат қилинмасди. Ишга жойлашмоқчи бўлсам, барча раҳбарлар ота- онаминг илтимосларини рад этишарди. Руҳий тушкунликка тушиб, ҳаётга бўлган ишончим сўнди. Онам мени "Сабр" қишлоқ ахборот ресурс марказига олиб келардилар ва биргаликда сартарошлик соҳасида билимларимизни оширдик. Ҳаётимдаги ўзгаришлар учун Оллоҳга шукурлар айтаман. Марказдаги шароитлар, қулайликлар ва устозларнинг ширин сўзлиги, барчаси биз каби инсонлар учун мослаштирилган эди. Устозим билан бирга гузаллик салоида ишляпман. Салонга ташриф буюраётган мижозлар менинг ишимдан мамнун бўлишганини кўриб, дилим қувонади. Демак, мен бу дунёга керакман. Буларнинг барчаси лойиҳа доирасида ишлаган устозлар, психологлар ва ҳуқуқшуносларнинг натижасидир. Қатнашган бизнес тренингларида кичик тадбиркорликни очиш сирларини ўргандим. Ёзган бизнес режамни ҳакамлар аёло деб топишганлиги сабабли, лойиҳа раҳбарлари менга грант асосида сартарошлик асбоб-укуналарини такдим этишди. Менга шунчалик ишонч билдириб, қўллаб-қувватлаган устозларимизга ва лойиҳа раҳбарларига катта раҳматлар айтаман!



I, **Saydullayeva Barchinoy Saydulla kizi (from Okdaryo District, Samarkand Region)**, was unfortunately born with epilepsy. I am a person with a Group II disability. My dream has always been to beautify girls and women with make-up and to style their hair in various ways. However, sadly, there were no free training courses available in this field for people like us with disabilities. People like us were not respected in society. Whenever I tried to find a job, all the managers would reject my parents' requests on my behalf. I fell into a state of depression, and I lost my faith in life. My mother used to take me to the «SABR» Rural Information Resource Centre, where we improved our knowledge in the field of hairdressing together. I am grateful to God for the changes that have taken place in my life. The conditions, conveniences, and the kind words of the mentors at the center were all adapted for people like us. I am currently working in a beauty salon alongside my mentor. Seeing that the clients who visit the salon are pleased with my work fills my heart with joy. It makes me feel that I am needed in this world. All of this is the result of the efforts of the mentors, psychologists, and legal experts who worked under the framework of the project. Through the business training sessions I attended, I learned the secrets of starting a small business. Since the judges considered my business plan to be excellent, the project leaders awarded me hairdressing equipment through a grant. I express my heartfelt gratitude to our mentors and the project leaders who placed such great trust in me and supported me throughout!





МИЛЛИЙ
ҲАМКОРЛАР:

NATIONAL
PARTNERS:



ХАЛҚАРО
ҲАМКОРЛАР:

INTERNATIONAL
PARTNERS:



www.eged-ca.org
www.sabr.uz

CONTACTS:

Address: 2-A, Bakhodirkhan street, Samarkand city,
Uzbekistan 140105

Phone: (99866)233 66 66

Fax: (99866)233 76 90

E-mail: sabrcenter@gmail.com

<https://www.facebook.com/sabr.socioeconomic.7>

<https://t.me/sabrcenter>

www.sabr.uz